

«Башар нафси ёмонликка мойил этишдан узок эмас. Куръонда дейилган: «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Парвардигорнинг Ўзи раҳм килмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир». «Бу Аллохнинг фазлу мархамати бўлиб, уни Ўзи хохлаган кишиларга ато этур. Аллох улуг фазлу мархамат сохибидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён килишдан гараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдан тортиб сипохийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман килган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу килинади. Бир канча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, улар битта-битта тарк килинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси «ҳар иш ўз вақтига боғлиқ» пардаси остида беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда гайб Илхомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вақт келмадимики, калбларини Аллохнинг зикри ила юмшатсалар» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қокдик. Тавфик йўлловчиси «Қимқи астойдил эшик қокса, қиради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алқисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Қўнғил хазинасида маҳфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик...».

(Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо хазратларининг асосий галабалари айни шу майни қатагон қилган фармондан сўнг қўлга қиритилган. Яна тарихдан маълумки, теурий подшоҳлардан Хусайн Бойқаро бошқарган мамлакатни айни шу ичкилик қарбод қилган, унинг ўзи мастлигида суюмли ва умидли набираси Мўмин Мирзо қатлига фармон берган).